



**ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН
Фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини
бузиш жиноятининг сабаблари ва уни содир
этилишига имкон берган шарт-шароитлар
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

Муминов Музаффар Эркинович

ИИВ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси бошлиғи
ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD);

Абдуллаев Акмалжон Йулчибоевич

ИИВ Академияси Тергов фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси;

Уралов Сарваржон Анваржон ўғли,

ИИВ Академияси ИИОларини услубий таъминлаш маркази етакчи
илмий ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8166518>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2023

Accepted: 15th July 2023

Online: 19th July 2023

KEY WORDS

Йўл ҳаракати қоидалари, йўл
ҳаракати хавфсизлиги,
йўл-транспорт ҳодисалари,
шикаст (ўлим) билан боғлиқ
йўл-транспорт ҳодисалари,
транспорт воситаси, пиёда,
тезлик, транспорт
воситалари ҳаракати,
транспорт воситаларидан
фойдаланиш, техник ҳолат,
йўлнинг қатнов қисми,
носозликлар, сабаблар,
имкон берган шарт-
шароитлар, олдини олиш.

ABSTRACT

*Мазкур мақолада Қорақалпоғистон Республикасида
содир этилган транспорт воситалари ҳаракати ёки
улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини
бузиш билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг
сабаб ва шарт-шароитлари мавжуд миқдор ва
сифат кўрсаткичлари асосида илмий таҳлил
қилинган.*

Ҳозирги кунда инсон ўз ҳаётини транспорт воситаларисиз тасаввур қила олмайди. Автомашина дастлаб аҳоли кўз ўнгида ҳашамат ёки қимматбаҳо мулк сифатида намоён бўлган бўлса, бугунги кунда асосий ҳаракатланиш воситаси, яъни кундалик эҳтиёжга айланди. Ҳозирги кунда инсон ўз ҳаётини транспорт воситаларисиз тасаввур қила олмайди. Автомашина авваллари қимматбаҳо мулк бўлган бўлса, бугунги кунда кундалик эҳтиёжга айланди. Ўзбекистонда 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомобиллар сони 3.637.119 тани ташкил этиб, ушбу кўрсаткич кундан-кунга ошиб бормоқда [1].



Афсуски, транспорт воситалари инсоният учун қилаётган “беминнат хизмати” билан бирга турли кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқишига сабаб бўлаётганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

“World Expectancy” ташкилоти томонидан дунёдаги 183 та мамлакат бўйича эълон қилиб бориладиган ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаси натижасида ҳар 100.000 нафар аҳолига тўғри келадиган вафот этган шахслар сони 12,38 нафарни ташкил қилганлиги бундан далолат беради [2].

Буни биз Республикада 2021-2022 йилларда транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятлари жами содир этилган жиноятларнинг 2,0 фоизини ташкил қилганлигидан ҳам кўришимиз мумкин. Биргина Қорақалпоғистон Республикасининг ўзида ушбу кўрсаткич 2021 йилда 15,3 фоизни, 2022 йилда 16,0 фоизни ташкил қилган [3].

Маълумки, инсоният ажралмас бир қисми бўлган мавжуд борлиқда юз берадиган барча ҳодисалар ёки муносабатлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Биз яшаётган бу олам ҳеч қачон ўчиб кетмайдиган ва хотираси тўлиб қолмайдиган маълумотлар омборига ўхшайди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, биз томонимиздан содир этиладиган ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, бошқалар билан олиб бориладиган муносабатлар ўзидан моддий ёки идеал изларни қолдиради. Бирор ҳаракатимиз изсиз қолиши мумкин эмас. Айниқса, биз буни содир этиладиган жиноятлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин [4].

Ўз навбатида излар бизга жиноятни айнан ким содир этганлигини аниқлашимизга ва жазо муқаррарлигини таъминлашимизга, қолаверса, жиноятнинг сабабларини аниқлаб, унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилишга, шу орқали олдини олишга замин яратади. Зотан, жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари нафақат жиноятларни тез ва тўла очиш, балки уларни олдини олиш ҳам саналади [5].

Зеро, сўнгги вақтларда автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари давлат сиёсати миқёсига кўтарилди. Йўл инфратузилмасини ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий талабларига тўлиқ мувофиқлаштириш, ушбу соҳадаги қоидабузарликларнинг барвақт профилактикасига йўналтирилган самарали тизимни йўлга қўйиш, шунингдек, инсон омилини истисно қилувчи рақамли технологияларни кенг жорий этиш талаб этилмоқда [6].

Шу нуқтайи назардан биз транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларининг сабаблари ва уларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида фикр юритсак.

Транспорт воситасининг ўзи инсон омили аралашувисиз ёки субъектив хато ва камчиликларсиз бирор-бир ижобий ёки салбий ҳодисани юзага келтира олмайди [9]. Жумладан, йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини билмасликлари ёки уларга риоя қилмасликлари, шунингдек транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш каби субъектив омиллар кўпинча транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларининг асосий сабаби ва унга имкон берган шарт-шароитлар ҳисобланади.



Жиноятнинг сабаблари жиноят содир этилишига олиб келган ижтимоий, руҳий ва моддий омиллар мажмуи, жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар эса жиноят содир этилишига имкон берадиган, шахс ва жамиятга боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юзага келувчи, танқидий жиҳатдан баҳоланувчи вазиятлардир [7].

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида содир этилган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни юритилган статистик ҳисоботларга [8] асосан ҳар тарафлама ва чуқур объектив таҳлил қилиш, уларни содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳлил жараёнида асосий эътибор, “Автомобил-ҳайдовчи-йўл-пиёда-муҳит” тизимининг айнан қайси бўғинида ва айнан ким томонидан йўл ҳаракати ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидалари бузилганлигини аниқлашга қаратилиши лозим [9].

2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жами **540 та** жиноятга оид ЙТХлар содир этилган бўлиб, 2021 йилга (506 та) нисбатан **6,7 фоизга** ошган. Шу жумладан:

- тан жароҳати олганлар **3,69 фоизга** ошган;
- ўлим билан боғлиқ ҳолатлар **1,77 фоизга** ошган;
- ҳалок бўлганлар **13,8 фоизга** камайган.

Таҳлилларга кўра, жиноятга оид ЙТХлар Тахиатош, Қораўзак ва Бўзатов туманларида камайган бўлса, Хўжайли ва Шўманай туманларида барқарор сақланган. Бироқ, 2021 йилга нисбатан **12 та шахар ва туманда**, яъни Нукус шаҳрида 2,48 фоизга; Амударё туманида 7,89 фоизга; Беруний туманида 7,69 фоизга; Кегейли туманида 13,6 фоизга; Қўнғирот туманида 12,8 фоизга; Қонликўл туманида 28,5 фоизга; Мўйноқ туманида 250 фоизга; Нукус туманида 81,2 фоизга; Тахтакўпир туманида 75 фоизга; Тўрткўл туманида 2,08 фоизга; Чимбой туманида 6,67 фоизга; Элликқалъа туманида 6,67 фоизга **ошиб кетган**.

Ҳодисалар оқибатида ҳалок бўлганлар сони камайган бўлишига қарамасдан, **5 та туманда**, яъни Кегейли туманида 38 фоизга; Қонликўл туманида 33 фоизга; Мўйноқ туманларида 500 фоизга; Нукус туманида 20 фоизга ва Элликқалъа туманида 233 фоизга **ошган**.

2022 йил давомида **74 та** болалар иштирокида жиноятга оид ЙТХлар содир этилган бўлиб, 2021 йилга нисбатан **17,8 фоизга**, тан жароҳатини олганлар 14,8 фоизга, ўлим билан боғлиқ ҳолатлар 50 фоизга камайган. Шундай бўлса-да, Амударё туманида 28,6 фоизга, Кегейли туманида 100 фоизга, Қонликўл туманида 200 фоизга, Мўйноқ туманида 100 фоизга ва Элликқалъа туманида 100 фоизга **ошган**.

Ўлим билан боғлиқ ЙТХларнинг 3 таси пиёда, 4 та велосипедчи бўлиб, шундан, 2 нафари 7 ёшда, 2 нафари 8 ёшда, 1 нафари 13 ёшда, 1 нафари 14 ёшда ва 1 нафари 15 ёшда.

ЙТХдан жабрланган 76 нафар вояга етмаганларнинг 46 таси ўғил болалар ва 30 нафари эса қиз болалар бўлиб, шундан 47 нафарини мактаб ўқувчилари ташкил этган.



Содир этилган жиноятга оид ЙТХларнинг юзага келиш механизми бўйича жами содир этилган ЙТХларга нисбатан таснифланиши қуйидагича:

- тўқнашув натижасида **34,3 фоиз;**
- ағдалириш натижасида **9,8 фоиз;**
- пиёдани уриб юбориш натижасида **38,3 фоиз;**
- велосипедчини уриб юбориш натижасида **12 фоиз;**
- тўсиққа урилиш натижасида **2 фоиз;**
- турган транспорт воситасига урилиш натижасида **0,4 фоиз;**
- от-аравани уриб юбориш натижасида **0,2 фоиз;**
- ҳайвонни уриб юбориш натижасида **0,2 фоиз;**
- бошқа ҳолатлар натижасида **2,8 фоиз.**

Мазкур таҳлиллардан кўриниб турибдики, жиноятга оид ЙТХларнинг аксарияти, яъни тўқнашув ва пиёдани уриб юбориш билан боғлиқ ҳолда содир этилган.

Мисол учун, 2022 йилнинг 16 январида фуқаро М.Р. ўзининг “Cobalt” русумли автомашинасини Қўнғирот тумани А-380 “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бенеў” автомобиль йўлининг 1185-1186 километри оралиғида бошқариб бориб, руль бошқарувини йўқотиши натижасида пиёдачи фуқаро Т.Ш.ни уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, фуқаро Т.Ш.га ўртача оғирликдаги шикаст етказилишига сабабчи бўлган.

Йўллар кесимида жиноятга оид ЙТХларнинг таснифланиши ва уларнинг таҳлиллари қуйидагича:

- халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлларда (А-380) – **14,4 фоизи;**
- давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларда (4Р 160-161) – **40 фоизи;**
- маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларда (4Р,4К,4Н) – **16,1 фоизи;**
- кўчалар ва бошқа ички йўлларда – **29,5 фоизи.**

Транспорт воситаларининг тури бўйича жиноятга оид ЙТХларнинг **88,6 фоизи енгил автомобиллар, 5,1 фоизи юк автомобиллари** ҳиссасига тўғри келади.

Мисол учун, 2022 йилнинг 5 мартда фуқаро С.А. бошқарувидаги ROBEH 2000w-7 юк туширувчи (погрузчик) трактори ёрдамида Абадан темир йўл бекатининг юк қабул қилиш-жўнатиш қўшимча йўлида турган ярим очиқ вагондаги шағалларни олмоқчи бўлган вақтида, айнан шу шағалларни белкуракда бир жойга тўплаётган фуқаро К.А.ни трактор ковичи билан унинг бўйин соҳасига жароҳат етказиб, ўлимига сабабчи бўлган.

Ойлар бўйича таҳлилларга кўра, жиноятга оид ЙТХлар **ноябрь ойида 10,1 фоиз, октябрь ойида 14,1 фоиз ва декабрь ойида 17 фоиз** бошқа ойларга нисбатан кўп содир этилган. Бу Қорақалпоғистон Республикасининг иқлими билан боғлиқ бўлиб, айни шу ойларда бу ерда кунлар Республикамининг бошқа ҳудудларига нисбатан совуқроқ бўлиши натижасида кунлар ўта совиб, ёғингарчилик кўпайиб, йўлларнинг музлаши билан изоҳланади.

Жиноятлар содир этилган вақт ўрганилганда, **9,6 фоизи 00:01 дан 06:00 гача; 23,7 фоизи 06:01 дан 12:00гача; 32,2 фоизи 13:01 дан 18:00гача; 34,4 фоизи 18:01 дан 24:00 гача** бўлган вақт оралиғида содир этилганлиги ойдинлашган.

Ушбу таҳлиллардан жиноятларнинг аксарияти **соат 18:01 дан 24:00 гача бўлган вақт оралиғида** содир этилганлигини кўришимиз мумкин. Бу сутканинг айни шу вақтида кўплаб транспорт воситаси эгаларининг иш вақти тугаб, хонадонларига қайтишлари



сабабли йўлнинг қатнов қисмида тирбандликлар юзага келиши, аксарият ҳайдовчилар ишдан чарчоқ ҳолатида қайтаётганлиги, бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикасининг иқлимига кўра, қиш фаслидан ташқари қолган вақтларда сутканинг айнан шу вақтида ҳаво салқин бўлиши муносабати билан аҳолининг кўп қисми шу вақтда кўча ва бошқа жамоат жойларига чиқишлари билан изоҳланади.

Мисол учун, 2022 йилнинг 17 октябрь куни соат 19:00 да фуқаро О.Т. бошқарувидаги “Cobalt” русумли автомашинани ишончнома орқали бошқариб, А-380 “Ўздор-Бухоро-Нукус-Бейнеў” автомобиль йўлининг 871-872 километри оралиғида қарама-қарши йўлдан велосипедда ҳаракатланиб келаётган фуқаро Н.Д.ни уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этиб, фуқаро Н.Д.нинг ўлимига сабабчи бўлган.

Таҳлил натижалари жиноятга оид ЙТХларнинг **96,9 фоизи эркак ҳайдовчилар томонидан** содир этилганини кўрсатмоқда. Бунинг сабаби, **биринчидан**, ҳайдовчилик касбини асосан эркаклар эгаллаганида, **иккинчидан**, аёллар руҳиятидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситаларини қонунга итоаткорлик билан муносабатда бўлишгани ҳолда эҳтиёткорлик билан бошқаришларида намоён бўлади.

Кўриш мумкинки, жиноятга оид ЙТХларни содир этган шахсларнинг энг катта қисмини ёши **23 ёшдан 37 ёшгача** бўлган шахслар (**50,7 фоиз**) ташкил этган. Содир этилган ЙТХларда юқоридаги ёшдагиларнинг салмоғи юқори эканлигининг асосий сабаби, уларнинг фавқулудда вазиятларда тез ва тўғри қарор қабул қилишга тайёр эмасликлари, юз бериши мумкин бўлган оқибатларга нисбатан ортиқча ишончнинг мавжудлиги ва ҳайдовчилик малакаси яхши шаклланмаганлиги билан изоҳланади.

Т/р	Жиноятга оид ЙТХларни содир этган шахсларнинг ёши	Кўрсаткич
		Фоизда
1.	18 – 22 ёшда бўлган шахслар	10,6
2.	23 – 27 ёшда бўлган шахслар	15,7
3.	28 – 32 ёшда бўлган шахслар	18,0
4.	33 – 37 ёшда бўлган шахслар	17,0
5.	38 – 42 ёшда бўлган шахслар	13,4
6.	43 – 47 ёшда бўлган шахслар	7,8
7.	48 – 52 ёшда бўлган шахслар	7,1
8.	53 – 60 ёшда бўлган шахслар	5,8
9.	60 ёшдан ошган шахслар	4,6

Мисол учун, 2022 йилнинг 6 ноябрида 1997 йилда туғилган фуқаро А.Р. бошқарувидаги “Газ-5314” автомашинасини А-380 “Ўздор-Бухоро-Нукус-Бейнеў” автомобиль йўлининг 847-848 километри оралиғида бошқариб бориб, қарама-қарши томондан велосипедда ҳаракатланиб келаётган фуқаро И.Ж.ни уриб, хавф остида қолдириб, ёрдам бермасдан ҳодиса жойидан яширинган. Натижада фуқаро И.Ж. оғир жароҳати олиб, шифохонада вафот этган.

Жиноятга оид ЙТХларни содир этган шахсларнинг аксарият қисмини **3 йилгача стажга** (48,3 %), шунингдек, **3 йилдан 10 йилгача стажга** (45,5 %) эга бўлган шахслар



ташқил қилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, жиноятга оид ЙТХларининг кўп қисми **етарли тажрибага эга бўлмаган**, ҳайдовчилик кўникма ва малакаси яхши шаклланмаган, юзага келиши мумкин бўлган хавфни олдиндан ҳис этиш қобилияти тўлиқ ривожланмаган ҳайдовчилар томонидан содир этилган.

№	Ҳайдовчиларнинг тажрибаси (йилларда)	Кўрсаткич
		фоизда
1.	1 йилдан 3 йилгача	48,3
2.	3 йилдан 10 йилгача	45,5
3.	10 йилдан 20 йилгача	18,0
4.	20 йилдан юқори	6,2

Мисол учун, 2022 йилнинг 19 мартида ҳайдовчи АК-103733 “В,В1,ВЕ,С,С1,Е,СЕ,В1,Ғ,М” тоифали стажу 2017 йилдан, Туркия Республикаси фуқароси А.В. ўзининг бошқарувидаги “Mercedes-Benz” русумли юк автомашинани А-380“Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнеў” автомобиль йўлининг 1174-километрида бошқариб бориб, рўлда ухлаб қолиши натижасида қарама-қарши йўналишга чиқиб кетиб, ўз йўналиши бўйлаб йўл четида турган ҳайдовчи АҒ2032368 “А, В, ВЕ, С, СЕ, D, DE” тоифали стажу 2011 йилдан фуқаро Р.О. бошқарувидаги “Man” русумли юк автомашинасига бориб урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, фуқаро Р.О.га ўртача оғир шикаст етказилишига сабабчи бўлган.

Ўрганиш ва таҳлилларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш **жиноятлари содир этилиши сабаблари** қуйидагилар эканлиги аниқланди:

1. Белгиланган тезликка риоя қилмаслик.
2. Транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидасини бузиш.
3. Транспорт воситасини ухлаб қолиб ёки ўта кучли чарчоқ ҳолатида бошқариш.
4. Транспорт воситасининг йўналишини ўзгартириш.
5. Оралиқ масофани сақламаслик.
6. Транспорт воситасини маст ҳолатда бошқариш.
7. Чорраҳадан ўтиш қоидасини бузиш.
8. Светофор ёки йўл белгисига риоя қилмаслик.

Жиноятга оид ЙТХлари содир этилиши сабабларининг алоҳида-алоҳида таҳлил қилиниши, келгусида ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишга доир чоратadbирларни тўғри белгилашга хизмат қилади.

Белгиланган тезликка риоя қилмаслик. Таҳлилларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **41,3 фоизи** ҳайдовчилар томонидан белгиланган тезликка риоя қилмаганлиги сабабли келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айни шу даврига нисбатан **0,9 фоизга ошган.**

Транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидасини бузиш. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **16,5 фоизи** ҳайдовчилар томонидан транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидасини



бузиш сабабли келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айти шу даврига нисбатан 13,4 фоизга ошган.

Аксарият ҳолларда ҳайдовчилар сабрсизлик қилиб, қарама-қарши томондан келаётган транспорт воситасининг тезлигини ҳисобга олмасдан ёки олдиндаги транспорт воситасини қувиб ўтиш қоидаларига амал қилмаган ҳолда ҳаракатланиши натижасида ЙТХ содир этилишига сабабчи бўлганлар.

Транспорт воситасини ухлаб қолиб ёки ўта кучли чарчоқ ҳолатида бошқариш. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **4,3 фоизи** ҳайдовчилар транспорт воситасини бошқариш вақтида ухлаб қолиши ёки кучли чарчоқда бошқариши сабабли келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айти шу даврига нисбатан **53,3 фоизга ошган.**

Кўп ҳолатларда вилоятлараро йўловчиларни ва давлатлараро юкларни ташиш билан шуғулланувчи ҳайдовчилар узоқ вақт давомида транспорт воситасини бошқариб, дам олмасдан ёки шошилиб, белгиланган вақтдан аввал манзилга етиб боришни кўзлаб, ЙТХ содир этилишига йўл қўйганлар.

Транспорт воситасининг йўналишини ўзгартириш. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **6,6 фоизи** ҳайдовчилар томонидан транспорт воситаси йўналишини ўзгартириши сабабли келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айти шу даврига нисбатан **9,3 фоизга ошган.**

Бундай ЙТХлар ҳайдовчилар ёнма-ён ёки орқа томондан ҳаракатланиб келаётган транспорт воситаларига эътибор бермай, ён ойналарини кузатмай, монёвр қилиш қоидаларига риоя қилмай ҳаракатланганликлари оқибатида келиб чиққан.

Оралик масофани сақламаслик. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **4,4 фоизи** ҳайдовчилар томонидан бошқа транспорт воситаси билан оралик масофани сақламаганликлари сабабли келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айти шу даврига нисбатан **33,3 фоизга ошган.**

Бундай вазиятлар асосан киракашлик билан шуғулланувчи ҳайдовчилар йўловчи талашиб, йўл талашиб ва бошқа ҳолатлар туфайли ортидан келаётган транспорт воситасига қувиб ўтиш учун йўл бермаслиги ёки қасддан қаттиқ тормозлаш ҳолатлари сабаб бўлган [11].

Транспорт воситасини маст ҳолатда бошқариш. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **0,8 фоизи** ҳайдовчилар томонидан транспорт воситасини маст ҳолатда бошқарилганлиги сабабли келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айти шу даврига нисбатан **82 фоизга камайган.**

Чорраҳадан ўтиш қоидасини бузиш. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **1,3 фоизи** ҳайдовчилар томонидан транспорт воситасини бошқариш вақтида чорраҳадан ўтиш қоидасини бузганлиги сабабли келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айти шу даврига нисбатан **71 фоизга камайган.**

Светофор ёки йўл белгисига риоя қилмаслик. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **2,1 фоизи**



ҳайдовчилар светофор ёки йўл белгиларига риоя қилмаслик оқибатида келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айти шу даврига нисбатан **54 фоизга камайган**.

Шунингдек, таҳлил натижасида юқоридаги сабаблардан ташқари бошқа сабабларга кўра жиноятга оид ЙТХлар содир этилиши Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида **22,7 фоизни** ташкил қилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш **жиноятларини содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар** қуйидагилар эканлиги аниқланди:

1. Пиёдалар ўтиш жойи ташкил этилмаганлиги ёки пиёдалар йўлакчалари етарли даражада ёритилмаганлиги.
2. Йўлни иккига ажратувчи тўсиқлар ўрнатилмаганлиги.
3. Пиёдалар ҳаракатини чекловчи тўсиқ (панжара)лар ўрнатилмаганлиги.
4. Светофор ёки йўл белгиси ўрнатилмаганлиги ёхуд уларнинг носозлиги.
5. Велойўлаклар ташкил этилмаганлиги.
6. Йўл қопламасининг носозлиги.

Шундан келиб чиқиб, юқорида келтириб ўтилган жиноятларини содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни алоҳида тарзда таҳлил қилиш лозим бўлади.

Пиёдалар ўтиш жойи ташкил этилмаганлиги ёки пиёдалар йўлакчалари етарли даражада ёритилмаганлиги. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **3,9 фоизи** пиёдалар ўтиш жойининг ташкил этилмаганлиги ёки пиёдалар йўлакчалари етарли даражада ёритилмаганлиги натижасида содир этилганлиги аниқланган.

Аҳоли гавжум бўлган жойларда пиёдалар ўтиш жойларининг ташкил этилмаганлиги ёки ташкил этилган ўтиш жойлари олис масофада жойлашганлиги сабабли пиёдалар ўзлари учун қулай бўлган жойлардан ўтиб олишга ҳаракат қилишлари жиноятга оид ЙТХларининг содир этилишига шарт-шароит яратган.

Йўлни иккига ажратувчи тўсиқлар ўрнатилмаганлиги. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **3,0 фоизи** йўлни иккига ажратувчи тўсиқлар ўрнатилмаганлиги оқибатида содир этилганлиги аниқланган.

Йўлни икки қисмга ажратувчи тўсиқлар ўрнатилмаганлиги **биринчидан**, пиёдалар йўлнинг белгиланмаган қисмидан кесиб ўтишларига; **иккинчидан**, транспорт воситаларининг белгиланмаган жойлардан бурилиб (қайрилиб) олишларига; **учинчидан**, қувиб ўтиш қоидаларига риоя қилинмаслигига; **тўртинчидан**, йўлнинг қарама-қарши қисмидан ҳаракатланишга имконият берилишига имкон бериш орқали жиноятга оид ЙТХларни содир этилишига шарт-шароит яратган.

Пиёдалар ҳаракатини чекловчи тўсиқ (панжара)лар ўрнатилмаганлиги. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **5,9 фоизи** пиёдалар ҳаракатини чекловчи тўсиқ (панжара)лар ўрнатилмаганлиги натижасида содир этилганлиги аниқланган.

Светофор ёки йўл белгиси ўрнатилмаганлиги ёхуд уларнинг носозлиги. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид



ЙТХларнинг **3,1 фоизи** светафор ёки йўл белгиси ўрнатилмаганлиги ёхуд уларнинг носозлиги оқибатида содир этилганлиги аниқланган.

Велойўлаклар ташкил этилмаганлиги. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **5,2 фоизи** велойўлаклар ташкил этилмаганлиги натижасида содир этилганлиги аниқланган.

Жойларда йўллар инфратузилмасини яхшилаш орқали аҳолига янада қулайликлар яратиш борасида кўплаб ижобий ишлар қилинаётган бўлишига қарамасдан, ҳали-хануз кўп жойларда пиёдалар йўлаклар билан бирга велойўлаклар ташкил этилмаганлиги, буни оқибатида, велосипедчилар йўлнинг қатнов қисмидан ҳаракатланишга мажбур бўлаётганлиги, аксарият ҳолларда, велосипедчилар тунги ёритгичларсиз велосипедларни куннинг қоронғу вақтида бошқаришлари жиноятга оид ЙТХларни содир этилишига шарт-шароит яратган [11].

Йўл қопламасининг носозлиги. Автомобиль йўлларининг аксарият қисми носоз ҳолатдалиги, аниқроқ қилиб айтганда, таъмирланмаганлиги ёки таъмирлаш ишлари сифатсиз олиб борилганлиги оқибатида жиноятга оид ЙТХлар содир этилишига шарт-шароит яратмоқда. Жумладан:

Қорақалпоғистон Республикасида умумий **4260 км** узунликдаги автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан:

- халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллар – **664 км**;
- давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллар – **992 км**;
- маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллар – **2604 км**.

Мазкур автомобил йўлларининг **500 км**да таъмирлаш ишлари амалга оширилган бўлса-да, аммо **1200 км** масофаси таъмирталаб аҳволда қолмоқда.

Бунинг натижасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **3,3 фоизи** айнан йўл қопламасининг носозлиги сабабли содир этилганлиги аниқланган.

Хулоса қилиб айтганда, содир этилган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили келгусида ушбу турдаги жиноятларнинг содир этилишини камайтириш ва йўлларда хавфсиз муҳитни яратиш мумкин [10]. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятлари содир этилишининг олдини олишга оид янги методикалар яратиш бундай турдаги жиноятларни камайтиришга хизмат қилади. Бу борада жамиятнинг барча қатламлари ва давлат органлари ҳамкорликда фаолиятни амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

References:

1. https://t.me/statistika_rasmiy (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 25.05.2023 йил)
2. <https://www.worldlifeexpectancy.com> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 25.06.2023 йил)
3. Статистик ҳисоботлар
4. Абдуллаев А.Й. Гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши жиноятларини содир этиш изларининг юзага келиш механизмларининг ўзига



- хос жиҳатлари // Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali // Жилд 2 Нашр 2 –С.-138//URL: <https://sciencebox.uz/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 01.06.2023 йил)
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси// <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 27.05.2022 й)
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/5937573>.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 565-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/5623688>.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 ноябрдаги “Йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 303-сон қарори // URL: [https:// https://lex.uz/docs/1899292](https://lex.uz/docs/1899292).
9. Муминов М. Э. ЖИНОЯТ ҲАҚИДАГИ АРИЗА ВА ХАБАРЛАРНИ ТЕКШИРИШДА ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ //BARQARORLIK VA YETAKSNI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 400-405.
10. Муминов М. Э. ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ДАЛИЛЛАРНИ ПРОЦЕССУАЛ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ //BARQARORLIK VA YETAKSNI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 190-193.
11. Муминов М. Э. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида далилларни процессуал расмийлаштиришнинг айрим жиҳатлари // Фаннинг назарий ва амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами. – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. – 2021. – Б. 122-127.